



Агар Аллоҳга ҳақиқий таваккал қилсангиз, У сизларни эрталаб уясидан оч-наҳор учиб чиқиб, кечки пайт қорни тўйиб қайтган қушни ризқлантиргани каби ризқлантирур», - дедилар

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар Аллоҳга ҳақиқий таваккал қилсангиз, У сизларни эрталаб уясидан оч-наҳор учиб чиқиб, кечки пайт қорни тўйиб қайтган қушни ризқлантиргани каби ризқлантирур», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Аҳмад, Термизий, Насоий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ида ва Ҳоким ривоят қилган]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таолога диний ва дунёвий ишларда манфаатларни жалб қилишда ҳамда зарарларни даф қилишда Аллоҳга суянишга ундамоқдалар. Чунки берувчи ҳам, олувчи ҳам, манфаат ва зарар берувчи ҳам фақатгина Аллоҳдир. Манфаатларни олиб келадиган ва зарарларни кетқазадиган сабабларни Аллоҳга суянган ҳолда қилишимиз лозим. Қачон шундай қилсак, Аллоҳ бизга эрталаб оч кетиб кечқурун қорни тўқ бўлиб қайтадиган қуш каби ризқлантиради. Қушнинг дангасаликсиз ва бепарволиксиз (уйидан чиқиб изланиши) ризқ талабида қилинган сабабларнинг бир туридир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66538>

